

4-1-2019

## PRACTICAL AND THEORETICAL ASPECTS OF DEPOSIT OPERATIONS OF COMMERCIAL BANKS

A. Rahimov

*Tashkent Financial institute, akmal\_rahimov\_91@mail.ru*

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

---

### Recommended Citation

Rahimov, A. (2019) "PRACTICAL AND THEORETICAL ASPECTS OF DEPOSIT OPERATIONS OF COMMERCIAL BANKS," *International Finance and Accounting*: Vol. 2019 : Iss. 2 , Article 21.  
Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2019/iss2/21>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [sh.erkinov@edu.uz](mailto:sh.erkinov@edu.uz).

## **PRACTICAL AND THEORETICAL ASPECTS OF DEPOSIT OPERATIONS OF COMMERCIAL BANKS**

The article examines the scientific views of strengthening the deposit base of commercial banks, analyzing the current state of the deposit base of commercial banks in our country and the influence of internal and external factors on the expansion of deposits, and also considers ways to strengthen and expand the resource base of banks.

**Key words:** commercial banks, deposit, deposit base, types of deposits, demand deposit, time deposit, savings deposit, deposit certificate, bank resources, involved funds, bank resource base.

One of the main and effective pillars of the country's economy is a financially solid and stable banking system. The level of socio-economic development and future development of each country depends, first of all, on the functioning of the banking system that has been built and regularly upgraded in that country. Effective management of commercial banks' resources plays an important role in increasing the volume of export-oriented goods and services in the country, ensuring the liquidity of banks and increasing the stability of the national currency, strengthening public confidence in the banking system.

During the years of independence, the country has been developing and developing a two-tiered perfect banking system, significant changes are taking place in the co-ordination of the banking services, cooperation with foreign banks has been improved and improved. However, some issues related to the expansion of the deposit base in the efficient use of banks are still relevant.

The ultimate goal of cardinal reforms in the banking and financial system of the country is to strengthen the resource base of commercial banks of the republic, to increase the trust of business entities and population in the banking system. Based on this, the "The Strategy of Actions for the development of the Republic of Uzbekistan", approved by the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated February 7, 2017, NFP-4947, sets out the tasks of deepening the reform of the banking system, increasing the deposit base, strengthening its financial stability and reliability<sup>1</sup> the relevance of the subject.

Deposit is the amount of money in national or foreign currency, upon request or with the payer, on the terms agreed upon by the payer or their legal representatives, on the terms of interest or remuneration or without such payment<sup>2</sup>.

Today, one of the key tasks of commercial banks is to attract sufficient amount of free funds in the economy and to effectively manage these funds. The main reason for this is the increased demand for financial resources among commercial banks,

---

<sup>1</sup> "The Strategy of Actions for the development of the Republic of Uzbekistan", approved by the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated February 7, 2017, NFP-4947//lex.uz.

<sup>2</sup> August 26, 2015, the Central Bank of the Republic of Uzbekistan "On the procedure of deposit operations in the banks of the Republic of Uzbekistan" № 2711. www.cbu.uz

which is the result of the deepening of market relations and further liberalization of the economy. As a result, the growing demand for long and short term funds in banks has become one of the important issues in formulating and managing these funds. This situation positively affects the growth of free competition among banks in the "distribution" of available temporarily available money resources across the country and attraction of additional resources from the financial market.

Deposits in commercial banks have the largest amount of demand deposits. This is usually the cheapest source of bank resources.

Time deposits are deposits attracted by banks for a certain period of time. These types of deposits must be settled in the maturity date and will not be used for current payments.

Savings deposits serve to accumulate savings of the population. Fund savings include deposits that are deposited with the purpose of accumulation or storage of funds. Their special feature is the encouragement of savings and the high level of profitability, which accumulates for a certain period of time.

Due to the high mobility of funds on demand deposits in commercial banks, the balance of these accounts is unstable, sometimes variable. The likelihood of the account holder at any time to require the presence of high liquid assets in the bank's operations. This is due to a reduction in the share of higher income-generating assets, which has less liquidity. As such, the deposit account holder will either pay a low interest or will not pay at all. However, despite the high mobility of funds on demand deposits, banks should be able to identify their minimum, permanent residue and use them as a sustainable credit resource.

Time deposits provide a stable resource base of the bank to other types of deposits. Therefore, commercial banks should strive to increase the share of time deposits. First of all, the commercial banks are tasked with developing a thoroughly-thought-out policy of deposit policy, and by attracting stable financial resources, as a result of developing a special strategy for attracting deposits by the bank.

Based on the researches and analysis which were made, the following recommendations have been developed:

- Regular adoption of new attractive types of deposits and deposits, taking into account needs and wishes of the population and business entities by commercial banks;
- Development of requirements for the deposit policy of commercial banks by the Central Bank;
- development of short and long-term bank strategies for attracting deposits to commercial banks;
- development of practice of issuing deposit certificates by banks;
- strengthening the Bank's resource base by expanding the practice of attracting interbank deposits.

We believe that the implementation of the above proposals will help commercial banks of our country to develop deposit operations and, consequently, expand the deposit base of banks.

*(Full article is available in Uzbek)*

**Раҳимов Акмал Матяқубович,**  
**ТМИ таянч докторанти**  
**e-mail: akmal\_rahimov\_91@mail.ru**  
**тел: +99890 134 71 71**

## **ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ДЕПОЗИТ ОПЕРАЦИЯЛАРИНИНГ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ ЖИҲАТЛАРИ ХУСУСИДА**

Мақолада тижорат банклари депозит базасини мустаҳкамлаш борасидаги илмий қарашлар, республикамиз тижорат банклари депозит базасининг амалдаги ҳолати таҳлили ва унга таъсир этувчи ички ва ташқи омиллар кўриб чиқилган, шунингдек, жалб қилинган ресурслар базасини мустаҳкамлаш ва кенгайтириш юзасидан таклифлар берилган.

**Таянч сўзлар:** тижорат банки, депозит, депозит базаси, депозит турлари, талаб қилиб олингунча депозит, муддатли депозит, жамғарма депозити, депозит сертификати, банк ресурслари, жалб қилинган маблағлар, банк ресурс базаси.

## **ПРАКТИЧЕСКИЕ И ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ДЕПОЗИТНЫХ ОПЕРАЦИЙ КОММЕРЧЕСКИХ БАНКОВ**

Статья рассматривает научные взгляды укрепления депозитной базы коммерческих банков, анализ текущего состояния депозитной базы коммерческих банков в нашей республике и влияние внутренних и внешних факторов на расширение депозитов, а также в статье рассматриваются пути укрепления и расширения ресурсной базы банков.

**Ключевые слова:** коммерческие банки, депозит, депозитная база, виды депозитов, депозит до востребования, срочный депозит, сберегательный депозит, депозитный сертификат, ресурсы банка, привлеченные средства, ресурсная база банка.

### **Кириш**

Мамлакат иқтисодиётининг таянч ва самарали устунларидан бири бўлиб, молиявий жиҳатдан мустаҳкам ва барқарор фаолият кўрсатувчи банк тизими ҳисобланади. Ҳар бир давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси ва келажакдаги тараққиёти, аввало, мазкур мамлакатда барпо этилган ва мунтазам равишда такомиллаштириб бориладиган банк тизимининг фаолиятига боғлиқдир. Тижорат банклари ресурсларини самарали бошқариш мамлакатда экспортга йўналтирилган рақобатбардош товарлар ва хизматлар ҳажмини

кўпайтиришда, банклар ликвидлигини таъминлаш ва миллий валюта барқарорлигини оширишда, аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади.

Мустақиллик йиллари республикада икки поғонали мукамал банк тизими шаклланди ва ривожланмоқда, банкларнинг хизмат турлари ҳамда сифатида жиддий ўзгаришлар юз бермоқда, чет эл банклари билан ўзаро ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди ва такомиллашиб бормоқда. Бироқ банклар ресурслардан самарали фойдаланиши ҳамда депозит базасини кенгайтириш билан боғлиқ айрим масалалар долзарблигича қолмоқда.

Шу ўринда банкларнинг депозит базасини кенгайтиришда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 6 майдаги ПҚ-2344-сонли қарори алоҳида аҳамиятга эга бўлди, яъни “Банк тизимининг молиявий барқарорлиги ва ишончилигини янада ошириш, тижорат банкларининг ресурс базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш...”[1] зарур.

Тижорат банкларининг кредит операциялари самарадорлигини ошириш уларнинг жалб қилинган маблағларининг барқарорлигини таъминлаш орқали юзага келади. Тижорат банкларининг узок муддатли кредитлаш жараёнидаги иштирокини кучайтириш уларнинг узок муддатли ресурс базасини мустаҳкамлашни тақозо этади. Ўз навбатида, банклар ресурс базасининг мустаҳкамлиги юридик шахсларнинг депозитлари ва аҳоли омонатлари миқдорининг ўсиб боришига, уларнинг миқдор ва муддат жиҳатдан барқарорлигини таъминлашга боғлиқ. Чунки, тижорат банклари ресурслари таркибида жалб қилинган маблағлар салмоғи жуда ҳам юқори бўлиб, уларнинг миқдори 70-80 % ни ташкил қилади [3]. Ўз навбатида, тижорат банкларининг мамлакат иқтисодиётини барқарор ривожлантиришдаги ўрнини таъминлаш, унинг инвестицияларни молиялаштириш жараёнларидаги фаоллигини ошириш бевосита уларнинг узок муддатли ресурс базасини шакллантириш ва кенгайтиришга боғлиқ.

Мамлакатимиз банк-молия тизимида олиб борилаётган туб ислохотларнинг пировард мақсади ҳам республикада тижорат банклари ресурс базасини мустаҳкамлашга, хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини оширишга қаратилган. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да банк тизимини ислох қилишни чуқурлаштириш, депозит базасини ошириш, уларнинг молиявий барқарорлиги ва ишончилигини мустаҳкамлаш вазифалари [2] белгилаб қўйилганлиги мавзунинг долзарблигини кўрсатади.

### **Мавзуга оид адабиётлар таҳлили**

Депозит– талаб қилиниши билан оқ ёки тўловни амалга оширувчи шахс билан тўловни олувчи шахс ёхуд уларнинг қонуний вакиллари ўртасида келишилган муддатда фоизлар ёки устама ҳақ тўлаган ҳолда ёхуд бундай

тўловларсиз қайтариб бериш шарти билан топшириладиган миллий ва чет эл валютасидаги пул суммаси [4].

Фан ва техниканинг жадал ривожланиши билан тижорат банкларининг депозит операцияларини ўрганишга эътибор кундан-кунга ортиб бормоқда. Тижорат банклари депозит операциялари кўплаб хорижий ва мамлакатимиз иқтисодчи олимларининг илмий ишларида ўрганилган.

Жумладан, хорижлик иқтисодчи олимлар Е.Ф.Жукова ва Н.Д.Эриашвилилар фикрича, кўплаб банкларда қарз маблағларининг асосий қисми – бу депозитлар (омонатлар) ҳисобланади. Банк амалиётида “депозит” атамаси биринчидан, жисмоний ва юридик шахслар томонидан банк депозит шартномасида қайд этилган муайян шартлар асосида банкка қўйилган маблағлар, иккинчидан, банкдаги омонат эгаларининг пул талабларини тасдиқловчи банк китобларига киритилган ёзувларидир [5].

Шунингдек, яна бир иқтисодчи олима Н.М.Розанова “Депозитлар ёки омонатлар банк мажбуриятларининг катта қисмини ташкил этади. Депозитлар аҳоли ва фирмаларнинг пул маблағлари сифатида тушунилади, улар муайян шароитларда ва муайян даврда банк ҳисоб рақамига ўтказилади” [6] деган фикр билдирган.

Ўзбекистонлик олим У.Ў.Азизов тижорат банклари томонидан жалб этиладиган маблағлар валютасидан қатъи назар, фақат миллий валютада мажбурий захираларни яратиш тартиби ўрнатилганлиги, юридик ва жисмоний шахслар учун ставкалар бирлаштирилиб, юридик шахслар миллий валютадаги депозитлар бўйича устав талаблари камайтирилганлиги, хорижий валютадаги депозитлар бўйича юқори ставкалар жорий этилганлигига бу эса, миллий валютадаги депозитларнинг жозибadorлигини ошириш, иқтисодиётни долларлаш даражасини пасайтириш ва банк тизимининг ликвидлигини тартибга солишнинг бозор механизмларининг самарадорлигини оширишга олиб келишига тўхтаб ўтган [7]. Бундан шундай хулосага келиш мумкинки, депозит ва омонатлар монетар сиёсатни самарали амалга оширишга хизмат қилади. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатдаги иқтисодий ўсишга таъсир қилувчи макроиқтисодий сиёсатнинг муҳим бўғини ҳисобланади.

Профессор Ш.З.Абдуллаеванинг фикрича, эса, жаҳон амалиётида “депозит” деганда, фақатгина сақлаш учун молия-кредит ёки банк муассасасига берилган пул маблағлари ёки қимматли қоғозлар эмас, балки банк омонатлари билан бир қаторда божхона тўловлари, йиғимлар, солиқлар ва ҳоказоларни тўлаш учун киритилган бадаллар ҳам тушунилади [8].

Профессор А.А.Омонов ўз илмий тадқиқотларида банк ресурсларини бошқаришда стратегик режалаштириш камида бир йилдан ўн йилгача мўлжалланиб ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқлигини қайд этиб ўтган. Бунда асосий эътибор, ресурсларни жалб этиш ва жойлаштиришни муддатлар бўйича мувозанатлаштириш, молиявий барқарор мижозлар таркибини шакллантириш, ресурслар жалб этишни омонатчилар ва мижозлар бўйича табақалаштириш кабиларга қаратишни мақсадга мувофиқлиги таъкидланган

[9]. Таъкидлаш лозимки, ресурсларни жалб этиш ва жойлаштириш муддатларини мувофиқлаштириш, ресурслар жалб этишни омонатчилар ва миждозлар бўйича диверсификациялашишига эришиш тижорат банкларининг ресурсларини самарали бошқариш учун асосий дастак бўлиб ҳисобланади.

Профессор Ф.И.Мирзаев ўзининг тадқиқотларида банклараро рақобатни шакллантиришнинг концептуал асосларига тўхтаб ўтган. Хусусан, банк хизматлари бозорида ресурсларни жалб этиш, маблағларни жойлаштириш ва бошқа барча банк хизмат турларини амалга ошириш жараёнида юзага келадиган иқтисодий муносабатларни банклараро рақобатнинг асоси сифатида кўрсатиб ўтган[10]. Демак, тижорат банклари депозит операцияларининг назарий ва амалий жиҳатларини тўлиқ ўрганиш, таҳлил этиш ва ундан тегишли хулосалар чиқариш банкларнинг барқарорлигига таъсир этувчи муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

И.ф.н. Б.Б.Парпиев ўзининг илмий ишларида аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш маблағларини банк депозитларига барқарор жалб этиш бўйича қатор фикрлар билдириб ўтган. Хусусан, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш маблағларини банк депозитларига барқарор жалб этишни янада фаоллаштириш бўйича тижорат банклари олдида қўйиладиган вазифаларни самарали бажаришда маркетинг воситаларидан фойдаланишлари мақсадга мувофиқлиги қайд этилган [11]. Демак, депозитларни ва бўш пул маблағларини барқарор ва оптимал даражада жалб этиш ва улардан самарали фойдаланиш иқтисодиётдаги беқарорлик ва инқироз ҳолатларини олдини олишга хизмат қилади.

PhD С.Х.Игамбердиевнинг фикрича, жисмоний шахсларнинг омонатлари кўринишидаги ресурс базасига эга бўлиши банк баланси пассивининг барқарор қисмини таъминлайди [12]. Бу ўз навбатида, инвестицион банклар фаолиятини самарали бошқаришга ўз таъсирини кўрсатади. Шунингдек, банклар фаолиятида ликвидликни тартибга солиш бўйича янги талабларнинг жорий этилиши банкларнинг фонд бозоридаги фаолиятини ривожлантириш, хусусан, талаб қилиб олингунча депозитларни фонд бозорининг ликвидли қимматли қоғозларига жойлаштиришга шарт-шароит яратиб беради.

Республикамиз банк амалиётида депозитлар қуйидагича туркумланади[13]:

- ✓ талаб қилиб олингунча депозитлар;
- ✓ муддатли депозитлар;
- ✓ жамғарма депозитлар.

Талаб қилиб олингунча депозитлар қуйидаги хусусиятларга эга:

- депозитнинг бу турида хоҳлаган вақтда, хоҳлаган суммада маблағни қўйиш ёки олиши мумкин;
- депозит муддати чегараланмаган;
- кам миқдорда фоиз тўланади ва ҳ.к.

Тижорат банкларида жалб қилинган маблағлар таркибида талаб қилиб олингунча депозитлар турлича ҳажмга эга. Бу одатда, банк ресурсларини

шакллантиришнинг энг арзон манбаидир.

Муддатли депозитлар - бу банклар томонидан маълум муддатга жалб қилинадиган депозитлардир. Бу турдаги депозитлар қўйилган муддатда ўзгармас бўлиши лозим ва улар жорий тўловлар учун ишлатилмайди.

Муддатли депозитлар қуйидаги хусусиятларга эга:

–аниқ муддатга эга ва улар бўйича ўзгармас (депозит сиёсатида кўрсатилган) фоиз тўланади;

–жорий ҳисоб-китоблар учун фойдаланилмайди;

–мижоз томонидан муддатидан олдин олинмаслиги лозим, акс ҳолда фоиз тўлаш бўйича шартнома шартлари бекор қилинади ва талаб қилиб олингунча депозит миқдорида фоиз тўланиши мумкин;


–маблағлар секин айланади, узоқ муддатли ссудаларга йўналтирилади ва ҳ.к.

Жамғарма депозитлари аҳоли пул жамғармаларининг тўпланиши учун хизмат қилади. Жамғарма депозитларга пул маблағларини жамғариш ёки сақлаш мақсадида шакллантирилган қўйилмалар киради. Уларнинг махсус хусусиятли томонлари сақлашнинг рағбатлантирилиши ва юқори даромадлилик даражаси, маълум давр ичида жамғарила бориши кабилар ҳисобланади.

Фикримизча, тижорат банклари депозит операциялари – банк ва мижоз ўртасида тузилган шартномага асосан муайян мақсадларда банкка пул маблағларини жалб қилиш ва уларни сақлаш билан боғлиқ операциялардир.

### Таҳлил ва натижалар

Тижорат банклари депозит базасини кенгайтиришда банк депозит операцияларини ривожлантириш зарур ҳисобланади. Бунда, биринчи навбатда тижорат банклари депозит операцияларини ривожланишига таъсир қилувчи омилларни кўриб чиқиш зарур.






### 1-расм. Тижорат банклари депозит операцияларини ривожланишига таъсир этувчи омиллар.

Банкнинг янги ахборот технологияларидан фойдаланиш даражаси банк депозит операциялари ривожланишига таъсири – янги техника ва технологияларнинг республиканинг барча соҳаларида қўлланилаётганлиги ва ривожланаётганлигида яққол номоён бўлади. Банк бошқарув тизими ва банк ташкилий тузилмасининг тўғри йўлга қўйилиши, банк бошқарувчилари ва ходимлари малакасининг юқорилиги, шунингдек, банк ходимларининг ўз ишларига бўлган яхши муносабати банк ҳолатининг яхшиланишига ва банк обрўсининг ошишига олиб келади. Натижада, мижозларнинг тижорат банкларига бўлган ишончи ортади ҳамда ўзларининг бўш пул маблағларини банкларда сақлашга ҳаракат қила бошлайдилар. Бу бевосита тижорат банклари депозит базасининг кенгайишига олиб келади.

Мамлакатимиз тижорат банклари депозит маблағларининг ошиб боришини аҳолининг банк тизимига бўлган ишончининг ортиб бориши ва янги жозибадор депозит турларини жорий этилиши билан изоҳлаш мумкин.



### 2-расм. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг жами депозитларининг ўсиш динамикаси (млрд.сўмда)[14]


Ўтган йиллар давомида аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини банк депозитларига жалб қилишда мижозларга кўрсатилаётган банк хизматлари сифатини тубдан яхшилашга, хусусан, омонатларнинг янги ва мижозлар талабларига мос жозибадор турларини жорий этишга алоҳида эътибор қаратилди. Буни юқоридаги расм маълумотлари орқали кўришимиз мумкин. Маълумотларга кўра, охири беш йил давомида мижозлар томонидан тижорат банкларига қўйилган депозитлар ҳажми ошиб

келган. 2019 йил бошига мамлакатимиз банкларидаги жами депозитлар қолдиғи ўртача 70 триллион сўмни ташкил этган ва бу кўрсаткич 2015 йил бошига нисбатан 2,5 баробарга ошган бўлиб, қолган даврлар мобайнида ҳам нобарқарор ҳолатда ўсган.

Тижорат банклари томонидан пухта ишланган депозит сиёсати орқали барқарор пул маблағларни жалб қилиш банклар ресурс базасининг ошишига, бу эса, ўз навбатида, банкларнинг кредит бериш амалиётида ресурс етишмаслиги муаммосининг олдини олади.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, ўтган давр мобайнида республика банк тизимига замонавий янги технологиялар жорий этила бошланди. Хусусан, тижорат банклари таркибий тузилишида катта ўзгаришлар рўй берди. Жумладан, кўпгина йирик тижорат банкларининг филиаллари ташқарисида ташкил этилаётган шохобчалар, масалан минибанклар ҳамда омонатлар операцияларини бажарувчи турғун ва сайёр операцион кассалар фаолият юрита бошлашди.

Тижорат банклари депозит операциялари ҳолати таҳлил қилинганда, бу жараёнда тижорат банкларининг ўрни қай даражада эканлиги алоҳида аҳамият касб этади.



**3-расм. Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган айрим тижорат банкларининг депозитларни жалб қилиш динамикаси (01.01.2019 ҳолатига, млрд. сўм.) [14]**

Юқоридаги расм маълумотларидан кўришимиз мумкинки, 2019 йил 1 январь ҳолатига Республикамиздаги 29 та тижорат банклари ўртасида аҳоли ва

хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини жалб қилиш бўйича Ўзмилийбанк энг юқори кўрсаткичга эга бўлган. Бу кўрсаткич мамлакатимиз банклари томонидан жалб қилинган жами депозитларнинг 16,8 % ёки 11,7 трлн. сўмни ташкил этган.

Республикамызда энг кўп филиалга эга бўлган Халқ банки бу кўрсаткич бўйича кейинги ўринларга тушиб кетганлиги салбий ҳолат ҳисобланади. Банк томонидан депозитлар жалб қилиш бўйича пухта ўйланган стратегия ишлаб чиқилиши банк ресурс базасининг ошишига олиб келади.

Тижорат банкларидаги талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақлардаги пул маблағларининг юқори ҳаракатчанлиги туфайли бу ҳисобварақлардаги қолдиқ доимий эмас, баъзида жуда ўзгарувчан. Ҳисобварақ эгасининг истаган пайтда маблағларни олиш эҳтимоли банк фаолиятида юқори ликвид активларнинг ҳиссаси кўпроқ бўлишини талаб қилади. Бу эса камроқ ликвидликка эга бўлган, бироқ юқори даромад келтирувчи активларнинг ҳиссасининг қисқариши эвазига юз беради. Шу сабабли талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи эгаларига паст фоиз тўлайдилар ёки умуман тўламайдилар. Бироқ, талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақлардаги маблағларнинг юқори даражадаги ҳаракатчанлигига қарамадан уларнинг минимал, доимий қолдиғини аниқлаш ва улардан барқарор кредит ресурси сифатида фойдаланиш имкониятига банклар эга бўлиши лозим.

Муддатли депозитлар, депозитларнинг бошқа турларига нисбатан банкнинг барқарор ресурс базасини таъминлайди. Шу боис тижорат банклари муддатли депозитлар салмоғини кўпайтиришга ҳаракат қилишлари лозим. Бунда, биринчи навбатда тижорат банклари олдига ҳар томонлама пухта ўйланган депозит сиёсатини ишлаб чиқиш ва бу орқали барқарор пул маблағларни кенг жалб қилиш, банк томонидан депозитлар жалб қилиш бўйича махсус стратегия ишлаб чиқилиши натижасида банк ресурс базасини ошириш вазифалари қўйилади.

### **Хулоса ва таклифлар**

Хулоса ўрнида таъкидлаш мумкинки, тижорат банкларининг иқтисодиётдаги бўш пул маблағларни етарли даражада жалб этиши ва ушбу маблағларни самарали жойлаштиришни бошқариш ҳозирги кунда уларнинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Бунинг асосий сабаби, Ўзбекистонда бозор муносабатларининг тобора чуқурлашуви ва иқтисодиётнинг янада эркинлаштирилиши натижасида тижорат банклари ўртасида молиявий ресурсларга бўлган талабнинг янада кучайганлигидандир. Натижада, банкларнинг арзон ва муддати жиҳатдан “узун” маблағларга бўлган эҳтиёжининг ортиб бориши ушбу маблағларни шакллантириш ва уларни самарали бошқариш муҳим масалалардан бири бўлиб қолди. Мазкур ҳолат мамлакат миқёсида мавжуд бўлган вақтинча бўш пул маблағларни банклар ўртасида “тақсимлаш”да ва молия бозоридан кўшимча ресурсларни жалб этишда банклар ўртасидаги эркин рақобатни кучайтиришга ижобий самара кўрсатмоқда.

Юқоридаги тадқиқ ва таҳлиллар асосида қуйидаги таклифлар ишлаб чиқилди:

- тижорат банклари томонидан аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектлар талаб ва истакларини ҳисобга олган ҳолда омонат ва депозитларнинг янги жозибадор турларини мунтазам равишда жорий қилиб бориш;

- Марказий банк томонидан тижорат банклари депозит сиёсатига қўйиладиган талаблар ишлаб чиқиш;

- тижорат банкларига депозитлар жалб қилиш бўйича қисқа ва узоқ муддатли банк стратегияларини ишлаб чиқиш;

- банклар томонидан депозит сертификатларини чиқариш амалиётини ривожлантириш;

- банклараро депозитларни жалб қилиш амалиётини кенгайтириш орқали банкнинг ресурс базасини мустаҳкамлаш.

Ўйлаймизки, юқоридаги таклифларнинг амалиётга жорий этилишимамлакатимиз тижорат банклари депозит операцияларини ривожлантириш ҳамда бунинг натижасида банкларнинг депозит базасини кенгайтиришга хизмат қилади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 6 майдаги “Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2344-сонли Қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 18-сон, 217-модда.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони//lex.uz.

3. Банковское дело. Экспресс-курс: учебное пособие/кол. авторов; под ред. О.И.Лаврушина. – 3-е изд., перераб. и доп. – М.: КНОРУС, 2009.-352с.

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “Ўзбекистон Республикаси банкларида депозит операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги 2711-сонли йўриқномаси, 2015 йил 26 август. [www.cbu.uz](http://www.cbu.uz)

5. Жукова Е.Ф., Эриашвили Н.Д. Банковское дело: учебник. “Финансы и кредит”. – 4-е изд., перераб. и доп. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2018. 169 с.

6. Розанова Н.М. Деньги и банки: учебник. – М.: Издательство Юрайт, 2018. – 241 с.

7. Azizov U.U. The impact of monetary policy on stimulating economic growth. International Journal of Economics, commerce and Management. United Kingdom <http://ijecm.co.uk/>. Vol. VII, Issue 4, April 2019. ISSN 2348 0386. (Scopus, Impact Factor #5,8).

8. Абдуллаева Ш.З. Банк иши. Дарслик. -Т.: ТМИ, Иқтисод-Молия, 2017 йил, 732 б.

9. Омонов А.А. Тижорат банкларининг ресурсларини самарали бошқариш масалалари. Иқтисодиёт фанлари доктори илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертацияавтореферати, –Т.: БМА, 2008. 11 б.

10. Мирзаев Ф.И. Ўзбекистонда банклараро рақобатни шакллантиришнинг концептуал асослари. Иқтисодиёт фанлари доктори илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертацияавтореферати, –Т.: БМА, 2009. 11 б.

11. Парпиев Б.Б. Аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш маблағларини банк депозитларига барқарор жалб этиш маркетинг стратегиясини шакллантириш. Иқтисодиёт фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати, –Т.: ТДИУ, 2010. 9 б.

12. Игамбердиев С.Х. Инвестицион банклар фаолиятини бошқаришни такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати, –Т.: ТДИУ, 2018. 18 б.

13. Азизов У.Ў, Қоралиев Т.М. ва бошқалар. Банк иши. Дарслик. – Т.:“Fan va texnologiya”, 2016. 132б.

14. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 2014-2018 йиллардаги статистик маълумотлари. [www.cbu.uz](http://www.cbu.uz)